

ЎТМИШГА НАЗАР

МАХСУС СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

СПЕЦИАЛЬНЫЙ ВЫПУСК

LOOK TO THE PAST

SPECIAL ISSUE



Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Мургазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

"Ўтмишга назар" илмий журнали таҳририй маслаҳат кенгаши
редакционный совет научного журнала "Взгляд в прошлое"
Editorial board of the scientific journal Looking into the past

Кебадзе Мадонна

*Доктор исторических наук, Телавский
государственный университет, Грузия*

Бурдиашвили Майя

*Доктор исторических наук, Телавский
государственный университет, Грузия*

Кожакеева Ляззат Темировна

*тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика университети,
Қозоғистон Республикаси*

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич

*тарих фанлари доктори, профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети*

Бобожонова Дилором Бобожонова

*тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон
жаҳон тиллари университети*

Зияева Доно Ҳамидовна

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎЗР ФА Тарих институти*

Аширов Адҳам Азимбаевич

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎЗР ФА Тарих институти*

Агзамова Гулчехра Азизовна

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎЗР ФА Тарих институти*

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна

*тарих фанлари доктори, Тошкент
кимё - технология институти*

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна

*тарих фанлари номзоди, Ўзбекистон
давлат жаҳон тиллари университети доценти*

Эргашева Юлдуз Алимовна

*Тарих фанлари доктори, профессор
Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти*

Теймураз Ахалмосулишвили

*профессор, Телавский государственный университет,
Грузия*

Халикова Раҳбар Эргашевна

*тарих фанлари доктори, профессор, Тошкент
давлат техника университети*

Ишанходжаева Замира Райимовна

*тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон
Миллий Университети*

Кобзева Ольга Петровна

*тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон
Миллий университети*

Одилов Аброр Анварович

*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон
Миллий университети*

Ерметов Аваз Абдуллаевич

*тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон
Миллий университети*

Саипова Камола Давляталиевна

*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон
Миллий университети*

Джоробекова Айнура Эшимбековна

*тарих фанлари номзоди, профессор, Ташқи ишлар
вазирлиги қошидаги Дипломатия академияси,
Қозоғистон Республикаси*

Толипов Файзулла Саидович

*Тошкент давлат техника университети доценти,
тарих фанлари номзоди*

Page Maker\Верстка\Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz

ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Phone: (+998-94) 404-0000

МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT

СЎЗ БОШИ	5
1.Кобзева О. П. ИПАК ЙЎЛИНИНГ ХИТОЙ ТАРИХШУНОСЛИГИДАГИ БАЪЗИ МАСАЛАЛАРИ.....	6
2.Кебадзе М., Лекидзе Т. XX ASARNING 30-YILLARIDA KAXETIDAGI REPRESSIYALAR ZEMO ALVANI VA KVEMO ALVANI QISHLOQLARI MISOLIDA.....	15
3.Холиқова Р.Э. БУХОРО ХОНЛИГИДАГИ РАБОТ ВА САРДОБАЛАР ҚУРИЛИШИ ТАРИХИДАН.....	19
4.Муҳитдинова Ф.А. СИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ: ТАРАҚҚИЁТ ПОЙДЕВОРИ.....	27
5.Ҳайдаров М.М. УЧ РЕСПУБЛИКА КОНСТИТУЦИЯЛАРИДА (ТУРКИСТОН АССР, БХСР, ХХСР) СОВЕТ БОШҚАРУВ ТИЗИМИНИНГ ҚОНУНИЙЛАШТИРИЛИШИ ВА МОҲИЯТИ.....	43
6.Абраров С.А. ҲОЗИРГИ ЗАМОННИНГ ГЛОБАЛ МУАММОЛАРИ ВА ЎЗБЕКИСТОН.....	51
7.Рахмонқулова З. XIХ- XX АСР БОШЛАРИДА ЎРТА ОСИЁ ХОНЛИКЛАРИ ВА УСМОНИЙЛАР ДАВЛАТИ ЎРТАСИДАГИ АЛОҚАЛАР ТАРИХИ ТАРИХШУНОСЛИГИ.....	59
8.Абдуллаев Ў.Ш. ЎЗБЕКИСТОНДА ТАЪЛИМ ТИЗИМИДАГИ ИСЛОҲОТЛАРДА ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТЛАРИНИНГ ЎРНИ.....	67
9.Абдурасулова Д.Т. МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЖИЗЗАХ ШАҲАР САНОАТИ ТАРАҚҚИЁТИ ВА ИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ.....	72
10.Абдурахманова Ж.Н. ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИНИНГ ГРЕК ХАЛҚИ ҲАЁТИГА ТАЪСИРИ (ЎЗБЕКИСТОНГА КЎЧИРИЛГАН ГРЕКЛАР МИСОЛИДА).....	79
11.Азаматова Г.Б. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ БИЛАН МИГРАЦИЯ СОҲАСИДАГИ ҲАМКОРЛИГИ.....	85

МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT


- 12. Alimdjanov B.A., Jakparov J.I.**
"SART" ATAMASINING KELIB CHIQISHI HAQIDA V.V. BARTOL'D,
S.LAPIN ORASIDA MUNOZARA.....91
- 13. Амонова Ф.С.**
XIX АСР ОХИРИ ВА XX АСР БОШЛАРИДА БУХОРО АМИРЛИГИДА
ТАШКИЛ ТОПГАН РУС САНОАТ КОРХОНАЛАРИ ҲАҚИДА.....99
- 14. Ахмедов Т.О.**
"ЗАРАФШОН МУЗОФОТИНИ БОШҚАРИШ БЎЙИЧА МУВАҚҚАТ
ҚОИДАЛАР"НИНГ ТАРИХИЙ ТАДҚИҚОТЛАРДА
ЎРГАНИЛИШИГА ДОИР.....110
- 15. Аҳмедова Р.**
ЎЗБЕКИСТОНДА ДАСТЛАБКИ ШИФО МАСКАНЛАРИНИНГ
ВУЖУДГА КЕЛИШИ (ФАРҒОНА ВОДИЙСИ МИСОЛИДА).....117
- 16. Бабаджанова Н.А.**
ЎЗБЕКИСТОН АҲОЛИСИ МИЛЛИЙ ТАРКИБИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР
(1946-1991 йиллар).....124
- 17. Бобожонов И.У.**
МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА МАҲАЛЛА ИНСТИТУТИНИНГ
ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ.....137
- 18. Бобожонов Ш.**
ЗИЁРАТ ТУРИЗМИДА САЙФИДДИН БОҲАРЗИЙ
ҚАДАМЖОСИНИНГ ЎРНИ.....145
- 19. Бабабеков А.Д.**
XX АСР БОШЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОН ТОҒ ВА ТОҒОЛДИ
ҲУДУДЛАРИ АҲОЛИСИ ЭТНОИҚТИСОДИЙ ҲАЁТИДА
САВДО-СОТИҚНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ
(САНГЗОР-ЗОМИН МИНТАҚАСИ МИСОЛИДА).....153
- 20. Базарова М. М.**
ЎРТА АСРЛАР ТУРОН ЗАМИН ОЛИМЛАРИНИНГ ЖАҲОН
ИЛМ-ФАНИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ.....165
- 21. Bohodirov I.**
TURKISTON BOSHQARUV TIZIMIDAGI NOMUTANOSIBLIK
VA XALQ KOMISSARLARI SOVETIDAGI ICHKI ZIDDIYATLARNING
O'LKA HAYOTIGA TA'SIRI (1917-1924 YILLAR).....171
- 22. Бегамова Н. Х.**
МУҒУЛ ДАВЛАТИНИНГ ИЖТИМОЙ ТУЗИЛИШИ ВА ҲУДУДИ.....183

ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Базарова Муслима Маҳмудовна,
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети
Ўзбекистон тарихи кафедраси катта ўқитувчиси

ЎРТА АСРЛАР ТУРОН ЗАМИН ОЛИМЛАРИНИНГ ЖАҲОН ИЛМ-ФАНИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ

For citation: Bazarova Muslima Makhmudovna. CONTRIBUTION OF SCIENTISTS OF TURAN TO WORLD SCIENCE IN AVERAGE AGES. Look to the past. 2020, SI, pp. 165-170

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-SI-20>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Шарқда илк Уйғониш (Ренессанс) даври деб аталган IX - XII асрларда Ўрта Осиё халқларининг жаҳон илм-фанитараққиётига қўшган улкан хиссаси, Туронзаминда яшабтиббийёт, математика, астрономия ва геометрия каби фан соҳаларида фаолият юритган қатор олимларилмий мероси тадқиқ этилган. Мақолада тарих дарсликларига киргизилмаган айрим олимлар фаолиятига баҳо берилади.

Калит сўзлар: Уйғониш даври, Ўрта Осиё, илм-фан, олимлар, Турон, тиббийёт, математика, астрономия, геометрия, илмий мерос.

Базарова Муслима Маҳмудовна,
старший преподаватель кафедры
История Узбекистана УзГУМЯ

ВКЛАД УЧЁНЫХ ТУРАНА СРЕДНИХ ВЕКОВ В МИРОВОЮ НАУКУ

АННОТАЦИЯ

В данной статье всесторонне анализирован великий вклад народов Средней Азии в развитие мировой науки в период раннего Восточного Возрождения (Ренессанса), IX - XII веках. Рассмотрено научное наследие ряда ученых, живших и творивших на земле Турана в таких сферах, как медицина, астрономия,

математика, геометрия. В статье даётся оценка деятельности некоторых учёных, не вошедших в учебники по истории.

Ключевые слова: период Ренессанса, Средняя Азия, наука, учёные, Туран, медицина, математика, астрономия, геометрия, научное наследие.

Bazarova Muslima Makhmudovna,
Senior teacher of the chair History
of Uzbekistan UzSWLU

CONTRIBUTION OF SCIENTISTS OF TURAN TO WORLD SCIENCE IN AVERAGE AGES

ABSTRACT

This article comprehensively analyzes the great contribution of the peoples of Central Asia to the development of world science during the early Renaissance (9 th - 12 th centuries), studied the scientific heritage of a number of scientists who lived and created on the land of Turan in such sphere, as medicine, astronomy, mathematics, geometry. In article is given estimation of activity some scientist, not came in textbooks on histories.

Index Terms: period of the Renaissance, Central Asia, science, scientists, Turan, medicine, astronomy, mathematics, geometry, scientific heritage.

Долзарблиги. Вақт ўтган сари инсоният орттирган тарихий тажриба ва билим, маънавий-маданий мерос кўлами ортиб бораркан, ўз тарихини билиш, жаҳон тамаддунига улкан ҳисса қўшган аждодларга муносиб авлод бўлиб етишиш эҳтиёжи ортади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёев таъкидлаганидек, "... қадимий маданият ва цивилизациялар чорраҳаси бўлган юртимиз заминида ўрта асрларда минглаб олиму уламолар, буюк мутафаккир ва шоирлар, азиз-авлиёлар етишиб чиққан. Уларнинг аниқ фанлар ва диний илмлар соҳасида қолдирган бебаҳо мероси, бутун инсониятнинг маънавий мулки ҳисобланади.

2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Мазкур илмий мақола тарихий-қийсий таҳлил, географик детерминизм, статистик-қийсий солиштириш шунингдек, фанлараро ёндашув, тавсифлаш ва қийслаш каби методларга асосланган.

3. Тадқиқот натижалари:

Ҳозирги кунда Ўзбекистонимизнинг китоб фондларида 100 мингдан зиёд қўлёзма асарлар сақланмоқда... Лекин биз ана шундай ноёб мерос ворислари, шундай бойлик эгалари бўла туриб, уларни ҳар томонлама ўқиш-ўрганиш, халқимиз, аввало, униб-ўсиб келаётган ёшларимизга, жаҳон ҳамжамиятига етказиш бўйича, етарли иш қилмаганимизни ҳам очиқ тан олиш керак"[1].

Юртимиз тарихига қизиқиш чет эл олимлар орасида ҳам кучли. Ўрта Осиё тарихи, маданияти, таниқли олимлари фаолияти борасидаги илмий изланишлар халқаро илмий тадқиқот сайти ҳисобланган Scopus - илмий ахборот базасидан ҳам жой олган. Болгария тадқиқотчиси Т.S.Kristanov Ибн Синонинг тиббиётга қўшган ҳиссаси ҳақида, D.H.Kelley ва E.F.Milonелар Ал Хоразмийнинг астрономия

соҳасидаги ютуқлари тўғрисида, Shirin Akiner ва Kegan Paul Ўрта Осиё халқлари маданияти борасида илмий ишлари натижаларини эълон қилганлар. Анқарада бўлиб ўтган Ўрта Осиёнинг бир қатор буюк алломаларига бағишланган "The Proceedings of the International Symposium on Ibn Turk, Khwarazmi, Farabi, Beruni and Ibn Sina" деб номланган халқаро симпозиумда Akmal Ayubli Ал Хоразмийнинг математик ва географ сифатидаги фаолиятига юксак баҳо берган эди. Rizvi Sajjad Ибн Сино ва Сухраварди фалсафасининг тафовутлари ҳақида ёзган бўлса, Россиялик тадқиқотчи Бинянц Лю Шарқ Уйғониш даврини тадқиқ этган [2].

IX-XII асрлар Ўрта Осиё халқлари тарихида моддий ва маънавий ҳаётнинг ривожланишида олдинги даврларга нисбатан кескин юксалиш даври бўлди. Шарқ уйғониш даврининг ўзига хос хусусияти, аввало, математика, астрономия, физика, кимё, геодезия, фармакология, тиббиёт каби аниқ ва табиий фанларнинг, шунингдек, тарих, мусиқа, фалсафа ва адабиётнинг ривожланишида намоён бўлди.

Илк Шарқ уйғониш даври илм-фан тараққиёти ҳақида гап кетганда Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Мусо ал Хоразмий, Абул Аббос Аҳмад ибн Муҳаммад ал Фарғоний, Абу Наср ал Форобий, Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар Наршахий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али Ҳусайн ибн Абдуллоҳ ибн Ҳасан ибн Сино каби олимларнинг илмий тадқиқотлари натижалари аҳамиятини камайтирмаган ҳолда, исмлари закр этилган олиму фузалолар қаторидан муносиб ўрин эгаллаган қадим Хоразм олимларидан Абу Наср ибн Ироқ фаолиятга алоҳида тўхталишни жоиз топдик. Жаҳон илм-фанига улкан ҳисса қўшган Абу Наср ибн Ироқ (X аср ўрт. - 1025) - математик, астрономолим бўлиб, Хоразмшоҳ Афригийлар сулоласига мансуб бўлган. Маъмун академияси асосчиларидан, Абу Райҳон Берунийнинг устози ҳисобланади. 1017 йили бошқа олимлар қатори Султон Маҳмуд Фазнавий томонидан Фазнага олиб кетилган. Ибн Ироқ ўз трактатларидан бир нечтасини ёш Берунийга бағишлаган. "Китоб фи куррия ас сама" ("Самонинг шар шаклида экани ҳақида китоб"), "Рисола фил ҳалли шубҳатен аразат фил мақолат ас солис ашара мин китоб ал усул" ("Негизлар" китобининг ўн учинчи мақоласида юз берган шубҳани ҳал қилиш ҳақидаги рисола"), "Рисола фи сана ал устурлоб бит тариқ асси на и ила Абу Абдаллаҳ Муҳаммад ибн Али ал Маъмуни" ("Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али ал Маъмунга устурлобни санъат усулида яшаш ҳақида юборилган рисола") каби асарларини Хоразмшоҳ Абулаббос Маъмунга бағишлаган.

"Етти бурчакни яшаш ҳақидаги китоб", "Менелай "Сферикига изоҳ", "Тўғри бурчак ва қийшиқ бурчакли учбурчак учун снусларнинг ясси ва сферик теоремаси китоби", "Азимутлар китоби", "Азимутал айланалар ва астролябияларни ўтказиш китоби" каби бир қатор илмий асарлар муаллифидир. У сферик тригонометрия ҳамда текис ва ясси синус теоремаси асосчисидир. Ибн Ироқнинг "Геометрияга оид саволларга жавоблар рисола"си 1910 йилда Г.Зютер томонидан немис тилига таржима қилинган ва нафақат Шарқ олимларининг, балки Фарб олимларнинг эътирофига сазовор бўлган.

Хоразмнинг кенг билимли, пешқадам олимларидан яна бири Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Юсуф Хоразмийдир(ваф. 997 йил). Ёшлиги Хива, Замахшар, Қиёт ва Хуросон шаҳарларида илм олиш билан ўтган, Сомонийлар амири Нуҳ ибн Мансурнинг вазири Абул Ҳасан Утбий ҳузурида котиб бўлиб хизмат қилган. Шу вазифаси туфайли у "Котиб Хоразмий" номи билан ҳам танилган. Ўз хизмат вазифалари юзасидан Бухорога тез-тез бориб турган ва кўпгина алломалар билан ҳамсуҳбат бўлган. Айни вақтда хизмат асносида амирнинг бой кутубхонасидан

фойдаланиш ҳуқуқини қўлга киритган.

Олимнинг дунёқараши ўша даврда кенг тарқалган қадимги юнон фалсафаси ва маданияти, Шарқ намояндалари Ёқуб ибн Исҳоқ Киндий, Абу Наср Форобий ҳамда Абу Бакр Розий таъсири остида шаклланди. Абу Абдуллоҳ Хоразмийнинг бизгача етиб келган ягона маълум асари - "Мафотиҳ ал улум" ("Илмлар калитлари") дир. Асар араб тилида битилган мазкур асар ўша даврдаги деярли ҳамма асосий фан соҳаларини ўз ичига қамраб олган. Муаллиф ўрта асрлардаги ҳар бир илм мазмунини шарҳлаш йўли орқали тушунтириб беради. Абу Абдуллоҳ Хоразмий илмлар таснифининг шакли қуйидагича:

Шариат ва у билан боғлиқ илмлар:

1. Фикҳ, яъни мусулмон ҳуқуқшунослиги.
2. Калом, яъни дин асослари.
3. Грамматика.
4. Иш юргизиш.
5. Шеърийят ва аруз.
6. Тарих.

Бошқа илмлар:

1. Назарий фалсафа:
 - а) табиий илмлар - тиббиёт (тиб, самовий ҳодисалар - метеорология, минералогия, ал кимё, механика) - қуйи;
 - б) риёзиёт илмлари (арифметика, ҳандаса, илм ан нужум, мусиқа) - ўртанча;
 - в) илоҳий, яъни метафизика - олий илм;
 - г) мантиқ.
2. Амалий фалсафа:
 - а) ахлоқ - этика (одамни бошқариш);
 - б) уйшунослик (уйни бошқариш);
 - в) сиёсат (шаҳарни, мамлакатни бошқариш).

"Мафотиҳ ал улум"да илмлар таснифи ҳар бир фаннинг моҳиятини аниқлаш ҳамда уларнинг асосий атамаларини қисқа ва аниқ баён этиш билан биргаликда олиб борилади. Бу ерда Абу Абдуллоҳ Хоразмий ўз таснифида ўша давр анъанаси, яъни илмларни иккига бўлишни қўллаб-қувватлаб, анъанавий (шаръий) ва анъанавий бўлмаган (фалсафий) илмларга ажратади.

Асарда Абу Абдуллоҳ Хоразмий ўз даври табиий ва риёзиёт илмларини яхши билганлиги, уларни назарий фалсафага киритиш билан бир томондан, ушбу фан соҳаларининг аҳамиятини ошириш ва таъкидлаш, иккинчи томондан, фалсафани бойитишга интиланлиги ўз ифодасини топган. Хоразмийнинг "Мафотиҳ ал улум" асари ўрта аср маданияти ва маънавиятини ўрганишда муҳим аҳамиятга эгадир.

Беруний "асрнинг ноёб ҳодисаси" деб таърифлаган Абу Маҳмуд Хўжандий Шарқ илм-фан тарихида астрономиянинг амалий ва назарий масалалари билан шуғулланган олим сифатида шуҳрат қозонган Туронзамин фарзандларидан яна биридир. Олим Х асрнинг 20-йиллари ўрталарида Хўжандда туғилди. У астрономия, математика, геометрия ва тиб фанларини зўр иштиёқ билан ўрганиб, Марв ва Урганч мадрасаларида ва хусусий муаллимлар қўлида таҳсил олди. Бир оз вақт Хоразмшоҳ Маҳмуд томондан Урганчда ташкил этилган илмий марказда ишлайди. Сўнг Боғдодга боради. Рай ҳокими Фаҳруддавла саройида Маҳмуд Хўжандий ижодий ва амалий ишлар балан машғул бўлади. 993 йили Таборак тоғида олим раҳбарлигида расадхона қурилади ва 994 йилнинг бошида Маҳмуд ўзи ясаган радиуси 43 метрлик секстант ёрдамида қуёш ҳаракатининг баландлиги ва юлдузлар

мувозанатини кузатади. Олим қуёш баландлигини ўлчаш ёрдамида Рай шаҳрининг кенглиги 350 - 35 градусга тенглигини аниқлаган. Олим Беруний билан айнан Райда учрашган ва дўстлашиб қолган. Абу Муҳаммад Хўжандий ўзигача ўтган ва замондош мунажжимларнинг илмий фаолиятини кузатади. Яқин ва Ўрта Шарқда қурилган барча расадхоналарнинг тузилишини ўрганиб, улар тажрибасидан Таборак расадхонасини қуришда фойдаланади.

Олим математика ва астрономияга доир ўнлаб асарлар яратган астрономик асбобларнинг ихтирочиси сифатида шуҳрат қозонган. Унинг "Умумий астрономик асбоблардан фойдаланиш қоидалари", "Мамлакатнинг тузилиши ва жойлашишини аниқлаш ҳақида рисола", "Астрономия қонунлари" сингари бир нечта рисоласи бизгача етиб келган. Олимнинг илмий мероси кейинги асрларда Шарқ астрономияси тараққиётига катта таъсир кўрсатди. Абу Маҳмуд сектанти Мағора (Эрон, XIII аср), Самарқанд (XV аср) ва Жайпур (Ҳиндистон, XVII аср) расадхоналарига ўрнатилган.

Замонасининг етук олими Шарафуддин Илоқийнинг тўлиқ исми Шарафуддин Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Юсуф ал Илоқийдир(ваф. 1068 йил). Илоқий ўз даврининг машҳур табиби бўлиб, Ибн Сино шогирдларидан бири эди. Шарафуддин Илоқий Тошкентга яқин бўлган Илоқ (ҳозирги Овлуқ)да туғилган. Шарафуддин Илоқийнинг тиббиётга оид бир неча асарлари бор - "Куллиёт ат тибб" ("Тиббиёт жамланмаси"), "Фусул ал Илоқия" ("Илоқийнинг "Фасллар" китоби"), "Китоб ал асбоб вал аломат" ("Касалликларнинг сабаблари ва аломатлари ҳақида китоб"), "Мухтасар ал Илоқий" ("Илоқий қисқартмаси") ёки "Мухтасар ул қонун" ("Қонун қисқартмаси"), "Муолижоти Илоқий" ("Илоқий даволари") асарлари шулар жумласидандир. Ҳинд муаллифи Муҳаммад Аъзам ўзининг таъбабатга оид "Иксири Аъзам" китобини ёзишда Ибн Сино билан бир қаторда Илоқий асарларидан ҳам кенг фойдаланганини айтиб ўтади. Табризий эса Илоқийнинг "Фусул ал Илоқия" асарига шарҳ ёзади. Унинг фикрича, бу қисқа асар толиби илмлар ўртасида машҳур бўлиб, "Қонун"даги фикрларни, сўзни кўп чўзмасдан, фойдаланиш мумкин бўладиган тарзда, ўртача тушунарли иборалар билан келтиради. Табризий ўз шарҳини "Басит ал воқи фи шарҳи мухтасар ал Илоқий ("Илоқий қисқартмасига енгилгина шарҳ") деб атаган. Илоқий ижоди ўз даврида ҳам, кейинги даврларда ҳам катта аҳамият касб этган.

4.Хулосалар:

Минг йилликлар давомида турли цивилизация ва маданиятлар, жаҳон савдо йўллари чорраҳасида жойлашган ўлкамиз ҳудудида ўзига хос бебаҳо маънавий қадриятлар ва маданият мавжуд бўлган. Илғор маданият, илм-фан ҳалифалик ҳукми даврида айнан юртимиз ҳудудида ривож топди ва Бағдод ҳалифалигидаги мусулмон уйғониш даври, илм-фан, маданият тараққиётига ижобий таъсир кўрсатди. Катта ҳудудда ягона мусулмон маданиятининг вужудга келиши оқибатида Араб ҳалифалигига кирган давлатлар маданияти бир-бирини бойитди. Бу даврга келиб дунёвий илмларга интилиш, диний билимларни жамият, инсонлар манфаати нуқтаи назаридан талқин этиш кучайди. Ва албатта бу жараёнда Ўрта Осиёлик алломалар жаҳон илм - фани ва маданияти ривожига улкан ҳисса қўшди. Бу эса бугунги кунда ёшларни Ватанга садоқат руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисига Мурожаатномаси - Т., "Ўзбекистон", 2017.
2. Kristanov T.S. Journal [Article @ Avicenna, Abu ali al Hassan ibnAbdulahibn al Hassan ibnali As-SainAr-RaisibnSina; 980 - 1037]. Izvestiianameditsinskite institute.[Bulletin des instituts de me`decine]. В?igarskaakademiiananaukite, Sofia. Otdeleniezabiologicheski I meditsinskinauki Volume 1, Issue 6-7, 1952, pp. 265 - 290.; Kelley D.H. , Milone E.F. Exploring ancient skies (Second Edition): A survey of ancient and cultural astronomy (2011) pp.1 614 DOI: 10.1007/978-1-4419-7624-6 [book]; Book edition:Cultural change and continuity in Central Asia / edited by ShirinAkiner. Kegan Paul in association with Central asia Research Forum, School of Oriental and African Studies, London,New York, USA: Distributed by Routledge, Champman& Hall, 1991. Libraries Avstralia ID 6712129; AkmalAyyubi. Contribution of Al-Khwarazmi to Mathematics and Geography.//The Proceedings of the International Symposium on Ibn Turk, Khwarazmi, Farabi, Beruni and IbnSina (Ankara, 9 - 12 September 1895), Ankara, 1990. ISSN: 10263721; RizviSajjad. Roots of an aporia in later Islamic philosophy: the existence-essence distinction in the philosophies of Avicenna and Suhrawardi, StudiaIranica (Praris) 29 (2000), 61 - 108. UniversityofBtistolUnitedKingdom.; БиняницЛю. Понятие "Восточного ренессанса" Н.Конрада и А.Меца в определении диахроник исторических аналогий. //Ярославский педогогический вестник. 2013. №1 - Том 1 (Гуманитарныенауки).УДК008.009:3;http://www.scopus.com.elsevier.com/wps/find/journaldescription.cws_home/620379/description#descriptiondoi:10.1016/j.jmapro.2017.07.017 Choudhari, C.M., Narkhede, B.E., Mahajan, S.K. Methoding and stimulation of LM 6 sanf casting for defect minimization with its experimental validation. (2014) Procedia Enjineering-97,pp.1145-1154. http://www.scopuc.com.sciencedirect.com/science/journal/18777058doi: 10.1016/j.proeng.2014.12.393; http://www.scopus.com.ask-chemicals.com

ЎТМИШГА НАЗАР

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

LOOK TO THE PAST

МАХСУС СОН

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000